O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ушбу сонда:
2 ОҚИЛЛИК МЕЗОН БЎЛСИН!
3 САОДАТ ЙЎЛИ
КОНСТИТУЦИЯ ТАРИХИ
4 "СЎЗНИ ЖАҲОН БАҲРИДА ДУРДОНА БИЛ"

MEZON:

Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,

демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,

ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимаси

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 47 (353)
2003 йил
4 декабр

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан, қ а р о р қ и л а м а н:

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар жазодан озод қилинсин:

а) биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) мазкур Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар;

г) мазкур Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар;

д) мазкур Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш жойидаги даволаш муассасаларининг тиббий комиссиялари қарорига асосан жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахслар;

е) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек, биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ҳукм этилган шахсларга нисбатан қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

6. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — бешдан бир қисмига.

7. Тадбиқ этилмасин:

а) мазкур Фармон — ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган маҳкумларга, шунингдек, муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

б) мазкур Фармоннинг 1-3,5,6-моддалари экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

8. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 1 декабрь



8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ:

I. 1990 йилнинг 24 мартида бўлиб ўтган республика Олий Кенгаши сессияси фуқароларнинг ҳуқуқ ва хавфсизлигини таъминлаш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни изчил давом эттириш мақсадида Президентлик бошқарувини таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилди. Ислом Каримов Ўзбекистоннинг биринчи Президенти этиб сайланди.

Ушбу сессияда янги Конституция ишлаб чиқиш ғояси илгари сурилди. Чунки собиқ иттифоқ даврида қабул қилинган, 1989 йилнинг октябрида яна 46 та ўзгартириш ва қўшимча модда киритилган амалдаги Конституция шиддатли равишда ўзгариб бораётган давр талабларига жавоб бера олмас эди.

II. 1990 йилнинг 20 июнида Олий Кенгаш ҳузурида янги Конституция тайёрлаш бўйича комиссияси тузилди. Конституция комиссиясига Президент Ислом Каримов раис этиб сайланди.

III. 1991 йилнинг 12 апрелида Конституция комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов ишчи гуруҳ олдига халқимизнинг хоҳиш-иродаси, миллий ўзига хос хусусиятлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир халқаро ҳужжатлар ҳамда демократик давлатларнинг конституция тажрибасидан келиб чиқиб, кўпмингйиллик давлатчилигимиз тарихига таянган ҳолда янги Конституция консепциясини ишлаб чиқиш вазифасини қўяди.

IV. 1991 йилнинг ноябрида янги Конституциянинг дастлабки лойиҳаси тайёр бўлади. Президент Ислом Каримов ва у киши раҳбарлигидаги комиссия аъзолари лойиҳа устида икки йил давомида ишлашади.

V. 1992 йилнинг июлида Олий Кенгаш сессиясида, сентябрда эса Конституция комиссиясининг навбатдаги мажлисида мазкур лойиҳа кўриб чиқилади ва умумхалқ муҳокамасига тавсия этилади.

VI. Янги Конституция лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши сингари халқаро ташкилотлар, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва бошқа тараққий топган мамлакатлар экспертлари томонидан кўриб чиқилиб, ижобий хулоса беригач, 1992 йилнинг 26 сентябрида республикамиз матбуотида эълон қилинади — умумхалқ муҳокамасига қўйилади.

VII. Фуқароларнинг таклиф ва истакларидан келиб чиқиб, Президент Ислом Каримов ва ишчи гуруҳ лойиҳани қайта кўриб чиқишади. Лойиҳа 1992 йилнинг 21 ноябрида иккинчи маротаба матбуотда эълон қилинади.

VIII. 1992 йилнинг 7 декабрида Конституция комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади, унда лойиҳани Олий Кенгашнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш ҳақида қарор қабул қилинади.

IX. 1992 йилнинг 8 декабрида Олий Кенгаш сессиясида моддама-модда овозга қўйилган ҳолда Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилинади.

Istiqlol mahsuli

Абдусамат ПОЛВОН-ЗОДА,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Халқимиз давлатимизнинг асосий қонуни — мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 11 йиллигини кутиб олмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Конституция истиқлол маҳсули, шу билан бирга уни ҳимоя қилувчи қалқон, жамиятимизнинг асосий ҳуқуқий пойдевори ҳисобланади. Энг муҳими, Конституция туфайли Ўзбекистон Республикаси янги демократик давлат сифатида дунё сиёсий харитасидан муносиб ўрин эгаллади.

Конституциянинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда давлатнинг қиёфаси, жамиятнинг хусусияти яққол ўз ифодасини топади, ҳаётимизнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизими, демократик тамойилларга асосланган, умуминсоний қадриятларнинг улуғланаётгани, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари нечоғлик кафолатланган ҳамда ҳимоя қилинаётгани кўриниб туради.

Президентимиз Ислом Каримов Конституция моҳиятига таъриф берар экан, шундай деб таъкидлаб ўтган эди: **"Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир одам ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур эта олмайди"**.

Ўтган давр ичида Конституциямиз ҳам жиддий ҳаётий синовлардан ўтди. Халқимиз ҳаётида бу муҳим ҳужжат асосида асрлар мобайнида юз бериши мумкин бўлган тенгсиз ўзгаришлар амалга оширилди. Юртимиз шўролар давридан мерос бўлиб қолган чуқур иқтисодий таназзулдан қутулди, ўтказилаётган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар туфайли бозор муносабатларига асосланган иқтисодиёт қарор топиб бормоқда, демократия тамойилларига асосланган миллий давлатчилик ва ҳуқуқ тизими шаклланмоқда, ижтимоий-маданий соҳа барқарор ривожланиб, кишиларимизнинг маънавий қиёфаси янгиланмоқда.

Энг асосийси, Бош Қомусимиз бўлган Конституция мамлакатимизда қонунчилик фаолиятининг ривожланишига ва бу соҳада эркин ижод қилишга имконият яратиб берди. Конституцияни ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги масалаларни ҳал қилиб берувчи бошқа ҳамма қонунлар, шу жумладан, махсус қонунлар тизимини ташкил этувчи кодексларнинг юридик манбаи десак, адашмаймиз.

Шу билан бирга мамлакатимиз олдида турган долзарб вазифаларнинг кўлами миллий давлатчилигимиз тизимини ва унинг конституциявий асосларини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. 2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдуми натижасига мувофиқ 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳам ана шу зарурат ҳосиласидир. Мазкур конституциявий Қонун давлатимизнинг қонунчилик ҳокимияти бўлмиш Олий Мажлис таркибини ўзгартириш, яъни қуйи палата – Қонунчилик палатаси ва Сенат деб аталадиган юқори палатани ташкил этиш билан боғлиқ бўлган кўплаб муҳим масалаларни ҳал этиш имкониятини яратди. Парламент палаталарининг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг қонун қабул қилишдаги ўзаро алоқаси ва муносабати, палаталарнинг шакллариш тартиби, аъзолари сони ва ваколат муддатлари ана шундай муҳим масалалар сирасига киради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз Конституциясида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат хусусиятларига хос бўлган инсонпарварлик, демократия ва ижтимоий адолатлилик, халқ ҳокимиятчилиги; давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятига бўлиниши; Конституция ва қонунларнинг устуворлиги; шахсий дахлсизлик; мулкнинг дахлсизлиги; фикрларнинг хилма-хиллиги; фуқароларнинг миллатидан, ирқидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлилиги; барчанинг қонун олдида тенглиги; фуқаро ва давлатнинг бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва бурчларининг ўзаро боғлиқлиги каби кўплаб тамойиллар ўз аксини топган. Ушбу конституциявий тамойиллар алоҳида қонун ҳужжатлари воситасида тартибга солинадиган муносабатларнинг хусусиятларига қараб тегишли шакл ва усулда ҳуқуқ меёрларида ифода этилмоқда.

Бу эса Конституциямизнинг тарихан синалган умумбашарий демократик қадриятларни ўзида мужассам этганини кўрсатади.

Зеро, мамлакатимиз Конституцияси илғор тараққий этган демократик давлатларнинг тарихий тажрибаси ва жаҳон конституциявий амалиётига таянган ҳолда яратилган. У Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларига, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига тўлиқ мос келади.

(Давоми иккинчи бетда)

Istiqlol va imkoniyat

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Бўритош МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституцион суди раиси

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси талабларига мувофиқ Конституциявий суд қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга мослигига доир ишларни кўрадиган суд ҳокимияти идораси ҳисобланади. Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис қабул қилган бошқа ҳужжатлар, Президент Фармонлари, ҳукумат ва давлат ҳокимияти маҳаллий идораларининг қарорлари, мамлакатимизнинг давлатлараро шартномалар билан олган ва бошқа мажбуриятларининг Конституцияга мослигини аниқлайди.

Ушбу ваколатларни амалга ошириш вазифаларидан келиб чиқиб, Конституциявий судда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг қабул қилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини Конституцияга мувофиқлигини ўрганиб бориш жараёни йўлга қўйилган. Судья ва экспертлар ўртача ҳар йили 3 мингдан ортиқ меъёрий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини ўрганиб чиқадилар. Конституциянинг талабларига, унинг асосий қоидаларига мос келмайдиган ҳужжатлар аниқланганда, берилган ваколатлардан келиб чиқиб, Конституциявий суд тегишли қарорлар қабул қилади, таклифлар киритади.

Конституциявий суднинг кундалик фаолияти натижалари қонунларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда ўз аксини топиши юзасидан иккита мисол келтираман.

Конституциявий судда қонун ҳужжатларини ўрганиш жараёнида мазкур суднинг судьясини жавобгарликка тортиш масаласида уларда турлича меъёрлар мавжудлиги аниқланди.

Жиноят-процессуал кодекси 239-моддасининг иккинчи қисмида "Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси... Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьясига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилиги билан... қўлланиши мумкин" деб кўрсатилган. "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги Қонуннинг 16-моддаси биринчи қисмида эса "Конституциявий суднинг судьяси Олий Мажлиснинг розилигисиз, сессиялар ўртасидаги даврда эса Олий Мажлис Кенгашининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибсга олиниши ёки унга суд томонидан маъмурий жазо чоралари берилиши мумкин эмас", деб баён этилган.

(Давоми учинчи бетда)

Yoshlar ovozi

ИМКОНИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Ҳусан ТУРСУНОВ,
ТДЮИ талабаси

Бош Қомусимизнимнг 41-моддасида фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқи кафолатланган. Бу эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, ҳар бир ўзбекистонлик, шу жумладан, ўзга давлат фуқаролари ҳам билим олиш, касб-ҳунарли бўлишида тенг ҳуқуқли эканини англатади.

Хўш, мустақиллик рамзи бўлмиш Конституциямиз ўтган ўн бир йил ичида биз, талабаларга нима берди ва бу имкониятлардан қандай фойдаланяпмиз?

Оддий бир талаба сифатида шуни айтишим керакки, истиқлол биз, ёшларга ўз қобилиятимизни намоён этиш, дунёнинг "манаман" деган талабалари билан ҳеч иккиланмасдан тенг интеллектуал курашиш имконини берган бўлса, асосий Қонунимиз ана шу қобилият ва иқтидорни рўёбга чиқаришни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкам кафолатлади. Бошқача айтганда, Конституциямиз биз, ёшларнинг жамият учун керакли мутахассис бўлиб етишиши учун ҳуқуқий замин яратди. Ҳозирда жаҳоннинг қайси бир тараққий этган бурчагига, қайси бир олий даргоҳига борманг, албатта, ўзбекистонлик ёшларни кўрасиз. Бундан ўн беш, йигирма йил олдин ўзбек боласи дунёнинг машҳур давлат арбоблари, сиёсатдонлари таълим олган Оксфорд ёки Гарвард университетининг талабаси ёхуд жаҳон олимпиадасининг ғолиби бўлади, деган фикрни ҳеч ким хаёлига ҳам келтиролмас эди. Бугун эса армон бўлиб келаётган кечаги орзуларимиз айнан ишончли ҳимоячимиз — Конституциямиз туфайли рўёбга чиқмоқда.

Шунингдек, таълим соҳасида амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиликларни нафақат мамлакатимиз, балки институтимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, институтимизда талабаларнинг дунёвий билимларни эгаллашлари учун БМТнинг кутубхонаси, бепул Интернет тизими хизмати ҳамда яқинда фаолият бошлаган "Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими" ташкил этилган.

Энг қувонарлиси, мамлакатимиз олий ўқув юртлари ичида илк марта институтимизнинг жонкуяр профессор-ўқитувчилари томонидан 40 дан ортиқ ўқув дарсликлари тайрланиб, нашрдан чиқарилди. Бундан ташқари, институтимиз Япониянинг Нагоя университети билан яқиндан ҳамкорликда ишлаб, шу кунгача ўн нафарга яқин талабалар кунчиқар юртда билим ва малакаларини ошириб қайтишди.

Хуллас, Мустақиллигимиз меваси бўлмиш Конституциямизнинг биз, ёшларга берган имкониятлари жуда кўп. Галдаги муҳим вазифа ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўзимиздаги билим ва кучни фақат шу азиз Ватаннинг порлоқ келажаги йўлида сарфлаб, Президентимизнинг ишончини оқлашимиз лозим.

Iftixor

ИНСОН ҚАДРИ КАФОЛАТИ

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони

Қадим-қадимдан шундай бўлиб келган; одамзот ҳаёт тарзини маълум бир йўналишга солишга уринган, ўз мақсади, муддаосини кўзлаб, белгилаб ҳаёт кечирган. Буни яшашнинг, кун кечиришнинг ўзига хос томонини аниқлаб, кўпчиликка маъқул жиҳатини олиб ҳаётга татбиқ этиш, десак ҳам бўлади. Деярли ҳамма даврларда кишилик жамиятини асосий қонун-қоидалар бошқариб келган. Асосан умумманфаати нечоғлик ифодаланишидан қатъи назар, ўша қонун-қоида устувор саналган. Кишилар ҳаётини назорат этган, ўз навбатида эса қайсидир маънода уларга дахлдорлик билан жамиятнинг энг юқори қонуни даражасида юксак аҳамиятга эга бўлган. Тарихда бунга жуда кўп мисоллар бор.

Бизнинг тараққий этган асримизда Инсон тақдири, унинг эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлари энг олий нуқтага чиқиши умумбашарият томонидан эътироф этила бошлади. Дунёнинг барча мамлакатларида ҳукм сураётган сиёсий-ижтимоий ҳаёт ана шу тамойил — инсонпарварлик тамойили билан баҳоланади. Инсон эркинлиги, ҳуқуқи, унинг ҳаёти дахлсизлиги, шаъни ва тақдираъмолини улуғлаш барча демократик давлатларнинг асосий белгиси сифатида кўзга ташланади. Бу жиҳат эса, энг аввало, ҳар бир давлатнинг Асосий Қонуни — Конституциясида акс этади. Конституция жамиятнинг, давлатнинг юзи. Унда яшаётган фуқароларнинг наинки моддий томондан, балки маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳам қадр-қиммати юқори қўйилиши ёхуд жамият билан халқ ўртасидаги муносабатни жонли мисоли ҳар қайси давлатнинг Конституциясида акс этади.

Конституцияда ҳар бир фуқаро ҳаётига дахлдорлик туйғуси билан йўғрилган инсонпарварлик тамойиллари жамланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, яъни Асосий Қонунимиз қабул қилинган куннинг умумхалқ байрами мақомида нишонланиши бежиз эмас. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бошчилигида дунёнинг тараққий этган, илғор давлатлари тажрибаси пухта ўрганилиб, уларнинг ўзига хос жиҳатлари — инсонпарварлик йўналиши нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, Ўзбекистон халқининг ўзига хос фазилатлари, халқимизнинг тарихи, интилишига эътибор қаратилиб, бир сўз билан айтганда миллат минталитетидан келиб чиқиб қабул қилинган Конституциямиз том маънода кенг қамровлидир.

Конституциямизнинг мазмун-моҳиятини, энг аввало, унинг халқчиллигида деб биламан. Асосий Қонунимизнинг бош омили — бош қаҳрамони, инсон ва унинг қадр-қиммати камситилмаслиги кафолатидир. Унда инсон ҳуқуқларига, давлат суверенитети ғояларига содиқлигимиз тантанали равишда эълон қилинган. Ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англашимиз, давлатчилигимизнинг тарихий тажрибасига таяниб, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олиб қабул қилинган Конституциямизда фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши, инсонпарвар ҳуқуқий давлат барпо этиш, халқ тинчилиги ва миллий тотувлигини таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Асосий Қонунда миллатимизнинг ўзига хос фазилатларига ҳам алоҳида эътибор берилганлигини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Масалан, унинг XIV боб, 64 ва 66-моддаларига эътибор қаратсак, **"Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар..."** дейилади 64-моддада. Бунда халқимизга хос болажонлик, шу билан бирга келажак авлод олдидаги масъулият қонун билан белгилаб қўйилган. Бизнинг юртимизда ота-она ҳеч қачон ўз фарзандини ташлаб қўймайди, унинг тарбиясидан кўз юмолмайди, бу бизнинг қонқонимизга сингиган удум. Халқимиз фарзанди учун, келажак учун, келажак бахтига ишониб яшайдиган халқ.

Энди ўша бобнинг 66-моддасига эътибор беринг: **"Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар..."** дейилади. Демак, фарзандларнинг ҳам ота-оналар олдидаги бурчи қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган. Фарзандларнинг ота-оналар олдидаги бурчи конституциявий бурч даражасига кўтарилиши мақтовга лойиқ ҳодиса. Хуллас, Конституциямизда миллат минталитетига ҳам алоҳида урғу берилиши Асосий Қонунимизнинг халқпарварлигидан далолатдир.

Конституциямиз энг илғор ғояларни ўзида жо этганини, унинг энг демократик анъаналар асосида яратилганини бугунги кунда бутун жаҳон тан олмоқда. Унинг ҳаётбахш таъсирини ҳар қадамда сезиб турибмиз.

Ислом КАРИМОВ

Istiqlol mahsuli

ЖАМИЯТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Президент Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, **"Бизнинг Қомусимиз демократик конституциялларга қўйиладиган юксак талабларга жавоб берадиган, инсон ҳамда фуқаронинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни кафолатлайди".**

Мамлакатимизнинг Асосий Қонуни ўзининг тузилиши, йўналиши, мазмуни жиҳатидан Ўзбекистон ҳудудида мустақилликка амал қилиб келган собиқ конституциялардан тубдан фарқ қилади. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз мустақиллик ғояси билан суғорилган. Унда жинси, миллати, ирқи, ёши, эътиқоди ва ҳоказоларга қараб инсон ҳуқуқларини муайян даражада камситадиган биронта ҳам меъёр йўқ.

Бу эса Конституциянинг асл моҳиятини халқ ва халқ ҳокимияти ғояси ташкил этганининг ёрқин исботидир. Бу ғоя **"Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир",** деган Конституциявий қоидада ўз аксини топган.

Асосий қонунда халқ суверенитети ғояси ҳам акс эттирилган бўлиб, халқ сайлаган Парламент ва Президент халқ номидан иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг ҳеч бир бўлаги, ҳеч қандай сиёсий партия, жамоатчилик бирлашмаси, ҳаракати ёки алоҳида бир шахс халқ номидан иш кўриши мумкин эмас (10-модда). Шу билан бирга давлат ҳокимияти Конституция ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидан ҳам амалга оширилади.

Мамлакатимиз Конституциясида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Унга мувофиқ, Ўзбекистон фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат идораларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Конституциянинг яна бир ўзига хос хусусияти унинг ижтимоий мақсадни кўзлаган бозор муносабатларини шакллантиришга йўналтирилганидир. Буни мулкчиликнинг барча шакллари, жумладан, хусусий мулкнинг тенг ҳуқуқий мақом ва ҳимояга эгалиги Конституцияда кафолатланганида кўриш мумкин. Зеро, Конституциянинг 53-моддасида қайд этилишича, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баббаравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин. Шунингдек, Конституциянинг 54-моддасида мулкдорнинг мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши ва фойдаланиши, мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шартлиги таъкидланган.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Конституциямизнинг асосий қоидаларидан келиб чиққан ҳолда Адлия вазирлиги томонидан ижтимоий-сиёсий ҳаётни, давлат тузилишини, шу жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмлари яратилди, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий ишлари такомиллаштирилмоқда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини доимий таҳлил қилиш ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар бериш тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Бундан ташқари, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий таъминлаш самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш ва рўйхатга олиш жараёнини соддалаштириш ҳамда шартномавий интизомни мустаҳкамлашга йўналтирилган кенг қамровли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш юзасидан ҳам амалий ишлар олиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, Конституцияда белгилаб берилган устувор тамойилларнинг амалдаги ижроси таъминланмоқда.

Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай давлатнинг обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ифода этган Бош Қомусимизни ўрганиш, тарғиб этиш ва унга қатъий риоя этиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир.

Bugunning gapi

ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ ОЧИҚ



Мен ўтган ҳаётимни иккига — истиқлолгача ва истиқлолдан кейинги даврга бўламан. Баъзан бундан анча йил муқаддам бахтсиз тасодиф туфайли автоҳалокатда оёқ-қўллари майдаланиб кетган мендек ногирон бир инсоннинг умри, болаларимнинг ҳаёти, оиламнинг турмуши қандай кечарди, деб ўйлаб қоламан. Чунки бусиз ҳам қўл учида кун кўраётган оила оғир аҳволга тушиб қолган эди.

Хайриятки, Ватанимиз мустақилликка эришиб, бирданига одамлар ҳаётида ўзгариш юз берди. Эркинлик туфайли юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилди. Мен ҳам қўлтиқтаёқни ташлаб, мулкдор бўлишга аҳд қилдим.

Илгари аэродром бўлган майдон атрофидаги ташландиқ ерларни обод қилишга киришдим.

Ерни текислаб, насослар ёрдамида сув келтирдим. Шундан сўнг бу ерда "Покиза М" фермер хўжалиги ташкил этдим. Биринчи йилиёқ 56 гектар камҳосилли ташландиқ ерда деҳқончилик қилиб, 4 миллион соф даромад олдик. Кейинги йил 50 гектар ер қўшиб берилди. Бундан руҳланган хўжалигимиз аъзолари астойдил меҳнат қилишга киришдик.

Ҳозирда замонавий дала шийпонидаги мўъжазгина кутубхонамизда мамлакатнинг Бош қомуси бўлган Конституцияси турибди. Айримлар деҳқонга Конституциянинг нима кераги бор, дейиши мумкин. Бу мутлақо хато фикр. Чунки энди деҳқон фақат кетмонни биладиган оми одам эмас. У ўзининг ҳақини билиши ва уни талаб қилиши лозим.

Ҳозирда 10 гектар ерда нур билан ишлов берилган чигитни тажрибадан ўтказаяпмиз. Яқинда Миср Араб Республикасида бўлиб, бу борадаги ўз тажрибаларимиз билан фикр алмашдик. Бундан ташқари, Қоҳирадаги бир фирма билан шартнома тузиб, янги серҳосил қулупнай уруғини олиб келдим. Ҳозир уни астойдил парвариш қилаяпмиз. Келгуси йил ҳамкорларимиз ишимизни келиб кўрадиган бўлишди.

Бу йилги пахта, ғалла, пилла режалари анча ортиғи билан бажарилди. 100 тоннадан кўпроқ ғалла ўзимизга қолди. Соф даромад 30 миллион сўмни ташкил этди.

Кейинги уч йил мобайнида 8 миллион сўмлик ҳомийлик ишларини амалга оширдик. Аҳоли учун 2 та ичимлик сув тармоғи минорасини янгидан созлаб бердик. Хўжалик ҳудудидаги иккита мактабни таъмирлаш, ўқитувчи-ўқувчиларни моддий рағбатлантиришни ҳам зиммамизга олганмиз.

Хуллас, мулкдорга берилган эътибор туфайли олдимизда катта имкониятлар уфқлари очилди. Илгари ҳовлимда битта ҳам молим йўқ эди. Ҳозир фермер хўжалигида 25 та қорамол бор. Юз бош қорамолга мўлжалланган молхона қурилишини ниҳоясига етказдик. Тез орада сутни қайта ишлаш цехини ҳам ишга туширимоқчимиз.

Шунингдек, келгусида пластмасса буюмлари ишлаб чиқарадиган цех қуришни режалаштираяпмиз.

Эндиликда ер эгаси фақат маҳсулот етиштиришни эмас, балки деҳқончиликнинг илғор технологияларидан фойдаланиб жаҳон бозорида ўз товарини сотадиган вақт келди. Бундай имкониятлар мамлакатимизнинг бош қомуси бўлган Конституциямизда тўлиқ кафолатланган.

Абдумалик КАРИМОВ,
Оққўрғон туманидаги "Покиза М" фермер хўжалиги раҳбари

Munosabat

ОҚИЛЛИК МЕЗОН БЎЛСИН!

ёхуд маънавий зарарни қоплаш хусусида айрим мулоҳазалар

Маълумки, суд амалиётида маънавий зарар муҳим ўрин тутади. Маънавий зарар, одатда, шахснинг жисмоний ёки маънавий жиҳатдан қийналиши оқибатида юзага келади. Фуқаролик кодексининг 1021-моддасида **маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда зарар етказувчи томонидан қопланиши** кўрсатиб ўтилган. Мазкур модданинг иккинчи қисмида эса, фуқаронинг ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирилган, шунингдек, қонунга хилоф тарзда ҳукм чиқариш, жавобгарликка тортиш, тилхатда ушлаб туриш ҳолларига йўл қўйилган ҳамда орномус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрўэътиборига путур етказилган барча ҳолларда маънавий зарарнинг қопланиши шарт қилиб белгиланган.

Ҳаётда турфа хил воқеалар юз беради. Айтайлик, бирон-бир шахсга жисмоний ёки маънавий томонлама жабр етказилди, дейлик. Хўш, унга тўланадиган маънавий зарар миқдори нима билан ўлчанади? Бу саволга жавобан шуни айтиш лозимки, фуқаролик кодексининг 1022-моддасида маънавий зарарнинг пул билан қопланиши, унинг миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, зарар етказувчининг айб даражаси ва жабрланувчининг шахсий хусусиятларига қараб белгиланиши кўзда тутилган.

Эллиққалъа туманининг Сарибий қишлоғида истиқомат қилувчи икки қўшни Қосимбой Каримов ва Зокир Рўзимбетовлар ўртасида томорқани суғориш масаласида жанжал чиқди. Жанжал кучайиб, Зокир Қосимбойга жиддий тан жароҳати етказди. Қосимбой қишлоқ касалхонасига жўнатилди. Яна бир қўшни Худойберган Шарипов воқеага гувоҳ сифатида Қосимбойнинг ўнг оёғининг икки жойи ва юзининг ўнг томони — бурун устидаги кўкарган жойларни суратга олди. Қосимбой сакксиз кун мобайнида касалхонада даволаниб, уйига қайтди. Аммо ўнг юзида бир умрлик чандиқ қолди.

Дори-дармонлар, иссиқ овқат, йўл харжи учун сарф бўлган пулларни қўя турайлик. Қосимбойнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан чеккан азоблари, бутун оила аъзолари гирифтор бўлган дарду-алам, руҳий тўлғонишлар даражасини пул билан ўлчаш мумкинми?

Зокирга келайлик. У ўша жанжал чиққан кундан бир ярим йилча муқаддам Қосимбойнинг укаси Зарифбойга тан жароҳати етказган ва суд номига бундан кейин ҳеч кимса билан уриш-жанжал кўтармаслиги ҳақида тилхат ёзиб берган эди. Аммо сувлар оқиб, ваъдалар унут бўлгач, у яна белкуракни қўлига олди. Беайб Қосимбойнинг елкасига мушт туширди, белкурагини кўтариб, юзида чандиқ ҳосил қилди. Суд мажлисида эса, оилавий аҳволининг ночорлиги, моддий ва маънавий зарарларни қоплаш имконияти-га эга эмаслигини айтиб, важ тўқиди.

Важ тўқиганга шафқат борми? Йўқ, бундай кимсаларга шафқат бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда, жабрланувчилар чеккан вазият, азоб-уқубат бу ёқда қолиб, улар кўпракка уриб кетадилар.

Кўп тармоқли хусусий фирма раҳбари Роза Абдураҳмонова 1999 йилнинг июнида шартнома асосида "Халқобод" акциядорлик жамиятидан икки дона "Камаз" русумли автомашина сотиб олди. Аммо тўлов ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилган бўлишига қарамасдан, ҳар иккала машина ҳадеганда фирма раҳбари қўлига тегавермади. Шундан сўнг идораларга ёзишмалар бошланди, суд мажлислари чақирилди. Бироқ орадан тўрт йилдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, можаро ҳалигача тугагани йўқ. На машина, на унга тўланган пулга етолмаслик азоби, ниҳоясиз руҳий тўлғонишлар Роза Абдураҳмоновани қон босими касаллигига гирифтор қилди, турмуш ўртоғи юрак хасталигига чалинди. Бу ерда моддий зарар ўз йўлига, аммо маънавий зарар қандай ечилиши керак? Қанча миқдордаги пул аламзада қалбларни қаноатлантира олади?

Моддий зарар қиймати — бир қадар аниқ тушунча. Ундан фарқли равишда маънавий зарар қопламаси анчагина баҳсни талаб қилади. Шу важдан ҳам, баъзи мутхассисларимиз маънавий зарар тўловида жабрланувчининг моддий аҳволи ҳисобга олиниши даркорлигини уқтиришмоқчи бўлишади. Иккинчи тоифа олиму ҳуқуқшунослар эса, маънавий зарарни фақат пул билан эмас, зарурат туғилганда, пулдан бошқа маблағлар билан ҳам қоплашга имкон яратиш фикрини ўртага ташлашмоқда. Бизнингча, ҳар иккала фикрда ҳам жон бордек кўринади. Гапнинг лўндаси шуки, ҳар нима бўлганда ҳам, фуқаролик кодексида таъкидланганидек, маънавий зарар миқдорини аниқлашда фақат оқилоналик ва адолатлилик талаблари асосида иш тутилмоғи лозим. Шундай қилмоқ керакки, жисмоний ёки маънавий томонлама азобланиш эвазига тўланадиган маънавий зарар ҳар қандай ҳолатда жабрланувчига руҳий мадад бўла олсин!

Нурулла ЙЎЛДОШЕВ,
ҳуқуқшунос
Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири



Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 49-модда.

Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 31-модда

Konstitusiya va biz

ИНСОН ОМИЛИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ҳақиқий демократия инсонга берилган ҳақ-ҳуқуқлар ва унинг муҳофаза даражаси билан ўлчанади. Жаҳоннинг илғор ва ривожланган давлатлари тараққиётга инсон омилини улуғлаш, манфаатлари устуворлигини таъминлаш эвазига эришганлигини таъкидлашга ҳожат бўлмаса керак. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳам инсон омилини қадрлаш томон катта ва дадил қадамлар ташланди. Бу эса Конституциямизда белгиланган кенг қамровли демократик ҳуқуқ ва эркинликлар амалда ўз ифодасини топаётганлигидан далолатдир.

Бу борада ташланаётган қадамлар, амалий саъй-ҳаракатларни кейинги йилларда қабул қилинган қатор қонун ҳужжатлари, чунончи, Фуқаролик ва Оила Кодекслари, **"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-Процессуал Кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги Қонунлар, шунингдек, **"Биринчи марта озодликдан маҳрум этишга судланган шахсларнинг жазо шароитларини либераллаштириш тўғрисида" ги** яқиндагина қабул қилинган Президент Фармони мисолида яққол кўриш мумкин. Булар мамлакатимиздаги катта демократик бурилиш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини аввалги мустабид тузум искан-жасидан халос этиш, унинг қусур ва кемтикларини тузатишга қаратилган туб ислоҳотларнинг ёрқин қирра-сидир. Амалга оширилаётган бундай тадбирларни давлатимизнинг оддий ёки жорий ҳисобланган саъй-ҳаракатлари эмас, балки стратегик мақсадларда ташлаётган салмоқли қадамлари, дея эътироф этмоқ зарур. Зеро, инсон омили кўп асрлик тарихимизда илк бора мустақил мамлакатимиз Конституциясидагина энг асосий масала даражасига кўтарилди.

Суд-қонунчилик жабҳасидаги ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад биринчи галда инсон ҳақ-ҳуқуқлари, адолат ва ҳақиқат барқарорлигини кафолатлашдан иборат экани эътиборга лойиқдир.

Мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқлари масаласига катта эътибор билан қараётгани, Конституциянинг бу борадаги талабини изчил амалга ошириш йўлидан борилаётгани Вазирлар Маҳкамасининг **"Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги шу йил 27 августда қабул қилган қарори ҳам аниқ-равшан тасдиқлайди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд-қонунчилик соҳасини эркинлаштириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қарата аниқ йўналтирилган ишлар амалга оширилаяпти. Тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми яратилди. Шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар ҳамма жойда кенг расм бўлди ва такомилини топди.

Шу билан бирга қарорда таъкидланганидек, **мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар адлия органларининг фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш Адлия вазирлигининг асосий ва энг муҳим вазифаси бўлиши лозим.**

Жаҳондаги илғор демократик мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини ҳар томонлама ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш вазифасини қарорга асосан эндиликда адлия тизими ҳам адо этади. Бунинг учун Адлия вазирлигида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри адлия бошқармаларида эса тегишли тизимлар вужудга келтирилди. Хусусан, инсон ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатларига риоя қилишнинг ҳолатини кузатиш, ўрганиш ва умумлаштириш тадбирлари амалга оширилади, фуқароларнинг ўз конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши тўғрисидаги мурожаатларини холисона ва ҳар томонлама кўриб чиқиш таъминланади ва шу асосда қонун ҳужжатлари тақозо этган тадбирлар амалга оширилади.

Кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланган тадбиркорлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида катта силжишга эришилди. Бунинг шарофатидан тадбиркорлик ҳаракати катта ва кенг йўлга чиқди ва мамлакатимиз равнақининг кафолатига айланди. Адлия соҳасида фуқароларнинг конституциявий ва қонуний ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тизими вужудга келтирилганлиги давлатимизнинг тадбиркорлик билан бир қаторда аҳоли кенг қатламларини ҳам доим диққат-эътиборда тутаётганлигидан далолат беради. Қолаверса, бу ҳолат мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тизимлари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқи ва эркинликларига оид қонунлар ижроси ҳамда назоратини кучайтиришга хизмат қилади.

Адлия бошқармамиз ходимларининг саъй-ҳаракати билан биргина 2003 йилда тадбиркорликка оид низоли масалалар бўйича судларга юборилган 807 та даъво аризасининг деярли барчаси асосли деб топилди ва ҳозиргача чиқилган 480 та ишнинг ҳаммаси аризагўйлар манфаатини ҳимоя қилган адлия бошқармаси фойдасига якун топди. Бундан ташқари тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларига беписандлик билан қараган мансабдор ва масъул шахсларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан тегишли ҳокимликлар, назорат идоралари ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳамда корхоналарига жўнатилган жами 85 та тақдимноманинг таъсири ҳам катта бўлди. Уларнинг барчаси юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди. 58 нафар масъулмансабдор шахслар интизомий жазога тортилди, 11 нафар киши вазифасидан озод этилди.

Хулоса ўрнида айтсак, мамлакатимиз фуқароларининг конституциявий эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини қадрлашга қаратилган бу каби саъй-ҳаракатлар юртимизда демократиянинг ҳақиқий ифодаси намоён бўлаётганлиги, инсон қадри-қиммати олий ўринда турганлигидан дарак беради.

Одилбек КАРИМОВ,
ҳуқуқшунос

Qonun ko`magi

НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРУВ

ишдан бўшашга сабаб бўлди

Тўрақўрғон туман Давлат ветеринария бўлими бошлиғи А.Розиқовнинг шу йил 17 ноябр кунидаги 46-буйруғига кўра, "Сайрам" ветеринария участкаси мудири А.Аҳмедов сут-товар фермасида ветеринария-санитария қоидаларининг бажарилиши юзасидан текшириш ўтказишга ҳақли эдими? Табиийки, бу саволга амалдаги қонун ва қоидалар асосида жавоб излаш мақсадга мувофиқ.

Сир эмаски, кейинги йилларда ишлаб чиқариш корхоналари устидан назорат қилиш имкониятлари бир мунча кўпайган эди. Натижада ишлаб чиқарувчи корхона бошлиқларининг бошлари ғалвадан чиқмай қолди. Улар ўз ишларидан кўра турли текширувчиларнинг савол-жавобларига кўпроқ вақтларини сарфлашди. Бу ўз навбатида ишлаб чиқаришга салбий таъсирини кўрсата бошлади. Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 13 февралдаги "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолиятини фаоллаштириш тўғрисида"ги 57-сонли қарори, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги ва "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунлар ҳамда Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 26 апрел куни 1029-сонли рақами билан рўйхатга олинган "Назорат қилувчи органлари томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 31-бандини кўпол равишда бузишган. Низомнинг 31-бандига асосан Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси томонидан белгиланган тартибда берилган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг текширишни мувофиқлаштириш режасидан кўчирма, назорат қилувчи идора раҳбари томонидан тасдиқланган текшириш бўйруғи ва режасидан нусхалар хўжалик юритувчи субъект раҳбарига уларни олгани ҳақидаги тилхат асосида топширилмаган.

Лекин туман Давлат ветеринария бўлими томонидан ушбу Низом талаблари бажарилмаган. Хусусан, Тўрақўрғон туман Давлат ветеринария назорати бўлими "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 9 ва 12-моддаси, Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 26 апрелда 1029-сонли рақам билан рўйхатга олинган "Назорат қилувчи органлари томонидан ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ва текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом ва МЖТКнинг 308 ва 309-моддалари бузилишига йўл қўйган.

Туман Давлат ветеринария бўлимида мавжуд бўлган 36 та маъмурий ишлар ўрганилганда бўлим томонидан МЖТКнинг 308-309-модда талаблари қўпол равишда бузилгани маълум бўлди. Жумладан, ушбу қарорларни қабул қилишда бўлим томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомаси юритилмаган. Бундан ташқари, қарорларда иши кўриб чиқилаётган шахс хусусидаги маълумотлар, ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни, ҳуқуқбузарлик нималардан иборат экани кўрсатиб ўтилмаган.

Наманган вилоят адлия бошқармаси ана шу камчиликларни бартараф этиш учун шу йилнинг 4 ноябрь куни вилоят Давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи Б.Худойбердиев номига 01-091510-сонли тақдимнома киритган эди. Яқинда унга жавоб хати келди. Унда ёзилишича, тақдимнома барча туман ва шаҳар ветеринария бўлими ходимлари иштирокидаги йиғилишда атрофлича муҳокама этган ва келгусида бундай камчиликларга йўл қўйилмаслик бўйича тегишли тадбирлар белгиланган. Қолаверса, қонунбузарликка йўл қўйган масъул ходимларга интизомий жазо берилган.

Толибжон МИРАБДУЛЛАЕВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиймати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.
Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 13-модда

Istiqlol va imkoniyat

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Конституциявий суд мазкур қонунларнинг меъёрларини бир-бирига мувофиқлаштириш зарратидан келиб чиқиб, ушбу масалани кўриб чиқди ва Конституциянинг 82-моддаси, **"Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"**ги Қонуннинг 25 ва 26-моддаларига амал қилган ҳолда тегишли қарор қабул қилди ва уни Олий Мажлисга тақдим этди. Шундан кейин 2002 йил 13 декабрда Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонун билан **"Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"**ги Қонун 16-моддасининг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилди: "Конституциявий суднинг судьяси Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилигисиз жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилиши, шунингдек, ҳибсга олиниши мумкин эмас".

Шундай қилиб, қонунлар орасидаги тафовут бартараф этилди.

Иккинчи мисол. **«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»**ги Кодекс 128-моддасининг тўртинчи қисмида бир йил мобайнида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлардан тўрттасини ва ундан кўпроғини содир этиш энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлиши кўрсатилган.

Шу модда тўртинчи қисмининг рус тилидаги таҳririda эса бир йил мобайнида ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлардан тўрттасини ва ундан кўпроғини содир этиш энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга ёки траснпорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ой муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади, дейилган. **«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»**ги Кодекс 128-моддаси тўртинчи қисмининг жазо чоралари бир хил ҳуқуқбузарлик учун белгиланган бўлиб, ўзбек ва рус тилидаги матнлари бир-бирига уйғун эмас эди.

Бу масала ҳам Конституциявий суд мажлисида кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди ва Олий Мажлисга тавсия этилди.

2002 йил 13 декабрда Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонун билан **«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»**ги кодексининг 128-моддаси ўзбекча матнининг тўртинчи қисми санкциясидаги "олти ойгача" деган сўзлар "олти ой" деган сўзлар билан алмаштирилди.

Шу тарика Конституциявий суднинг бевосита иштироки билан қонун хужжатларидаги номувофиқликлар бартараф этилди.

Бунга қўшимча тарзда яна шуни айтиш жоизки, Жиноят-процессуал кодексининг 536-моддасида жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш тартиби белгиланган. Шу моддининг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлардан тўрттасини ва ундан кўпроғини содир этиш энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга ёки трансport

Konstitusiya va so`z erkinligi

“СЎЗНИ ЖАҲОН БАҲРИДА ДУРДОНА БИЛ”

Сўзлаш инсоннинг буюк қобилияти ҳисобланади. Дунёдаги бошқа бирор мавжудот бундай имкониятга эга эмас. Инсоннинг устунлиги, аввало, айни шу қобилияти билан белгиланади. Шунинг учун Алишер Навоий “Ҳайратул-аброр” достонида «Донаву дур сўзини афсона бил, сўзни жаҳон баҳрида дурдона бил», деб ёзган.

Одамнинг тириклиги учун ҳаво ва сув қанчалик зарур бўлса, сўз ҳам шу қадар зарурдир. Чунки инсоннинг бутун ҳаёти сўз билан боғлиқ тарзда кечади. Сўз, аввало, кишилараро алоқани таъминлайди, ўтмиш, бугун ва келажак ўртасидаги кўприк саналади.

Инсон ақл-заковати, тафаккури ҳам айнан сўзда акс этади. Шунинг учун ҳам сўз ижтимоий турмушда жуда муҳим ўрин тутади.

Сўз эркинлиги — фикр эркинлигидир, чунки фикр сўзда намоён бўлади. Шу ҳолдагина у кишилар хатти-ҳаракати, фаолиятини йўналтирувчи кучга айланади.

Сўзга барча давлатларнинг конституцияларида муносабат билдирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида шундай дейилган: **“Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга”.**

Ҳар бир фуқаронинг фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга бўлиши ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий хусусияти саналади. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин фуқаролик жамиятини шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида ҳаракат бошланди.

Фуқаролик жамияти барча фуқароларнинг эркин фикрлаш ва масъулиятни ҳис қилган ҳолда фаолият кўрсатиши асосида вужудга келади. Эркин фикрлаш эса сўз эркинлигини тақозо этади. Зотан, ҳар қандай фикр сўз орқали ифодаланади, сўзда акс этади.

Ривожланган давлатларда сўз эркинлиги уларнинг асосий қонунларида кафолатланган сингари мамлакатимиз Конституциясининг 67-моддасида ҳам “Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди”, деб ёзилган. Оммавий ахборот воситалари эркинлигининг қонун асосида таъминланган мамлакатимизда сўз эркинлигинг расмий тан олинганига далилдир. Демак, мамлакатимиз Асосий Қонунига кўра, ҳар бир фуқаро аммавий ахборот воситалари, яъни газета-журнал саҳифаларида, радио эшиттиришлари, телевидение кўрсатувларида ўз фикрини бемалол айтиш ҳуқуқига эга. Уларнинг бу ҳуқуқлари қонунга мувофиқ ҳимоя қилинади. Зотан, Конституциянинг 29-моддаси 2-қисмида “Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас”, дейилган.

Сўз эркинлиги ҳар қандай мамлакат тараққиёти учун зарур ҳодисадир. Чунки сўз эркинлиги, аввало, жамиятда ҳақиқатнинг қарор топиши, юзага келган муаммолар очиқ-ошкора муҳокама этилиши ва уларнинг ҳал қилинишининг омилидир. Маълумки, муаммолар юзасидан турли қарашлар билдирилиши ва шу асосда энг мақбул фикр-таклифнинг танлаб олинишига имкон яратадиган сўз эркинлиги кишиларнинг шахс сифатида ўзлигини намоён этишига, фуқароларнинг ижодкорлик имкониятлари ўсишига кенг йўл очади. Қолаверса, ошкора баҳсларга, низоли муаммоларнинг оқилона ҳал қилинишига олиб келади.

Шўро сиёсати ҳукмронлиги даврида сўз эркинлиги чекланган, бу эса кишиларда боқимандалик кайфиятини яратган эди. Ўз фикрини очиқ-ошкора билдира олмаслик кишиларнинг ижодкорлигига тўсиқ бўлади. Бундай ҳолатда одамлар изланишдан, янгиликлар яратишга интилишдан тўхтаб қолади, жамият охир-оқибат ижтимоий-иқтисодий турғунликка юз тутади. Фуқаролар қанчалик ижодкор, бунёдкор бўлишса, улар яшайдиган жамият шунча обод ва фаровон бўлади. Кишиларнинг ижодкорлиги, бунёдкорлиги эса, аввало, уларнинг эркин фикрлашига, ўз ғайрат-шижоатини намоён этишига боғлиқдир. Сўз эркинлиги ҳар бир шасхнинг жамият олдидаги вазифаларини адо этишига зарур шарт-шароит яратади.

Айни пайтда сўз эркинлиги ҳар бир фуқаро зиммасига муайян масъулият ҳам юклайди. Сўз эркинлиги ҳар қандай гапни гапириш мумкин, дегани эмас. Мамлакатимиз Конституцияси 29-моддасида ҳам “Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга таллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин”, дейилган. Чунки давлат манфаатларига зид келадиган хатти-ҳаракатлар, жумладан, давлат сирини ошкор қилиш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётига зарар етказади. Шунинг учун ҳар бир фуқаро гапираётган сўзи учун масъулиятни ҳис этиши лозим.

Сўз эркинлигини суиистеъмол қилиш, аввало, фуқароларнинг шаъни, қадр-қимматини таҳқирлашга олиб келади. Бу эса шахснинг ҳақ-ҳуқуқини поймол этиш билан баробардир. Фуқаронинг қонунда белгиланган ҳақ-ҳуқуқларига зид хатти-ҳаракатлар жиноят саналади. Шунинг учун ҳам “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида “Оммавий ахборот воситаларидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, уруш ва зўравонликни, шафқатсизликни, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган ўзга сирни ошкор этиш, жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган бошқа хатти-ҳаракатларни содир қилиш мақсадида фойдаланилишига йўл қўйилмайди”, деб белгиланган. Аммо бу қоида сўз эркинлиги чекланганини билдирмайди. Балки мамлакатимизда сўз эркинлиги суиистеъмолига йўл қўйилмаслигини англатади. Дарҳақиқат, гап биламан, деб оғзига келган сўзни андишаларча ишлатавериш кишини обрўсизлантиради.

Демак, сўз кишининг элга, одамларга эътиборини кўрсатади. Сўз инсонга хос барча фазилатларнинг аввали, яъни бошланиши саналади. Жамики фазилатларнинг асоси ҳисобланган сўзни қадрлаш ҳар бир фуқарога, у яшаётган жамиятга обрў-эътибор келтиради. Фуқароларнинг сўз эркинлиги Асосий Қонунда кафолатлангани ва сўз эркинлиги суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги мамлакатимизда сўзнинг юксак қадрланишидан далолатдир.

Дурдона РАСУЛМУҲАМЕДОВА

Nadomat

СОХТА “УСТОЗ”

у муқаддас касб шаънига доғ туширди

Ўқитувчилик дунёдаги энг ҳалол ва машаққатли касб ҳисобланади. Чунки ўқитувчи мурғак қалбларга эзгулик ва илм куртакларини қадайдиган зотдир. Шунинг учун устозлик мақоми ҳамиша юксак, меҳнати ва шахси эса эъзозда. Афсуски, ана шундай шарафли рутба-ю номга доғ тушираётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Чироқчи туман халқ таълими бўлимига қарашли 30-ўрта мактаб ўқитувчиси Раъно Бойқувватова шундайлардан бири бўлиб чикди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ўтказилган текширишда унга тегишли олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг қалбаки экани аниқланди. Тергов даврида Р.Бойқувватова ўзини шундай оқламоқчи бўлди: “1992 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университетининг тарих факультети сиртқи бўлимга ўқишга кириб, 2-курсга қадар ўқидим. 1994 йилда хасталикка чалинганим боис ўқиш давом эттириш учун ва имтиҳонларга боролмадим. 1995 йилнинг ёзида ўқишни борганимда 40 ёшлардаги Гуля деган аёл ўзини шу ерда ўқитувчиман деб таништириб, «харажатига чидасангиз, имтиҳонларингизни ўқитувчилардан қўйдириб бераман», дея ваъда берди. Мен бу таклифга рози бўлдим. Шундан сўнг тўртинчи ва бешинчи курсларда бўлиши керак бўлган сессия ва имтиҳонларга қатнашмай Гуля опанинг қўлидан 1999 йил 10 август куни «Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети Давлат Аттестация комиссиясининг 1999 йил 25 июлдаги қарори билан тарих фанини ўқитиш бўйича бакалавр дипломи берилди», деган В000449 рақамли дипломни олдим ва шу диплом билан 1999 йилдан 2003 йилгача Чироқчи туманидаги 30 ўрта мактабда тарих фанидан дарс бериб келдим”.

Р.Бойқувватованинг тергов жараёнида келтирган бундай важлари амалда тасдиқланмади. Низомий номидаги ДПУнинг 2003 йил 13 мартдаги Д-65 рақамли ҳамда 27 июлдаги 2-07-552/02 рақамли Давлат Педагогика университети маълумотномаларида ёзилишича, Р.Бойқувватова 1992 йилда сиртқи бўлимга ўқишга қабул қилинмаган ва кейинги йилларда курсдан курсга ўтмаган талабалар рўйхатида ҳам бўлмаган. Шунингдек, унга 1438-сон билан рўйхатдан ўтган В000449 серияли бакалавр дипломи ҳам берилмаган. Бундан ташқари, хатшунослик экспертизаси ҳам ушбу дипломнинг қалбаки йўл билан тайёрланганини тасдиқлади. Судда гувоҳ тариқасида иштирок этган 30-ўрта мактаб директори А.Авлоёров ҳамда мактабнинг ўқув тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари М.Йўлдошева ҳам Р.Бойқувватова ўрта махсус маълумот тўғрисидаги дипломи билан 1988 йилдан 1992 йилгача бошланғич синфларда меҳнат фанидан дарс бериб келганини, кейинчалик бошқа мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб, 1996 йил ноябр ойидан бошлаб яна мактабда тарих фанидан дарс бериб келаётганини, дипломи сохта эканини билишмаганини билдиришди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Р. Бойқувватова олий маълумот тўғрисида сохта диплом тақдим этганда халқ таълими бўлими ва мактаб маъмурияти мутасаддилари қаёққа қарашган? Бу эътиборсизликми ёки ўзибўларчилик? Наҳотки, улар келажагимиз эгалари бўлган ёш авлод тақдирига бунчалик бепарво бўлишган? Агар улар ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишганда, табиийки, шарафли касб шаънига доғ тушмаган, энг муҳими, ўқувчилар сохта муаллимга алданмаган бўлишар эди. Демак, сохтакорлик билан кун кўрмоқчи бўлган муаллима тақдири ҳамда халқ таълими бўлими, мактаб маъмуриятининг изза бўлиб қолгани бошқаларга сабоқ бўлиши керак.

М.ИСМОИЛОВ, ҳуқуқшунос
Ғози РАҲМОН, “Инсон ва қонун” мухбири

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 40-модда

Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 65-модда.

Muammo, muhokama, mulohaza

Мустақиллик ота-боболаримиз орзу қилган асрий орзуларимизни рўёбга чиқарди. Айнан мустақиллик шарофати билан биз жаҳонни, жаҳон эса бизни таниди. Унинг илк ва тенгсиз неъматларидан бири — бизга дунё мамлакатларининг дарвозаларини кенг очиб берди. Хохласангиз сиз боринг. Улар исташса, келишсин. Деҳқончасига айтганда, биз дунёнинг ривожланган мамлакатлари билан бемалол “борди-келди” қилиш имкониятига эга бўлдик.

ЛОҚАЙДЛИК ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Энди мана шу имкониятдан кимдир эл-юрт манфаати учун фойдаланаётган бир пайтда, яна кимлардир ўзларини, янаям аниқроғи, чўнтакларини ўйлаб, кўпчилик манфаатларига путур етказмоқда. Айрим мутасаддилар эса, худди ҳеч нима кўрмаётгандек, кўзларини чирт юмиб ўтиришибди. Келинг, гапни чувалатиб, ўқувчимизнинг бошини оғритмасдан **ИККИНЧИ ВОҚЕА**

Орадан роппа-роса бир йил ўтди. Энди ҳамма кириб келаётган 2003 йилни кутиб олиш билан банд. Кимдир меҳмонга борган. Яна биров меҳмон кутган. Одатдагидек, кўчада пақилдоқлар “жанги” авжига чиққан. “Қўй”, деганингга қулоқ соладиган одамнинг ўзи йўқ. Эндигина безатилган арчанинг чироқларини ёқаман, деб турсам, кўча эшик тақиллаб қолнашдим. 5-а синф раҳбари, инглиз тили ўқитувчиси Феруза Раҳимжонованинг сўзлари эътиборимни тортди. Балки бу сўзлар айрим мутасаддиларнинг кўзини очар, деган мақсадда уни айнан келтиришни лозим топдим:

— Ҳурматли ота-оналар, азиз ўқувчилар! Мана янги йил кириб келишига ҳали бир ойдан ошиқ вақт бўлишига қарамасдан, яна пақилдоқларнинг овози эшитила бошлади. Тўғри, бизнинг мактабимизда пақилдоқларга оид бирор-бир кўнгилсиз воқеа бўлгани йўқ. Бундан кейин ҳам бўлмасин. Лекин бу йил ҳам пақилдоқларнинг борлиги, ҳозирданоқ кўча-куйда тарбиясиз болалар, айрим ҳолларда ўзлари тарбияга муҳтож катталаримиз ҳам уни бемалол пақиллатиб юрганини гувоҳи бўлаяпмиз.

мақсадга ўтиб қўяқолайлик.

Мана яна роппа-роса бир ойдан кейин янги йилни кутиб оламиз. Бу байрамни биз катталардан ҳам кўра кўпроқ болаларимиз соғинишган. Янги йил... Арча... Қорбобонинг совғалари... Хуллас, бола кўзи билан қараганда, соғинса, арзигулик байрамлардан бири.

Қишлоқларни билмадим-у, лекин шаҳарларда, айниқса, кўпқаватли уйларда яшовчи юртдошларимиз янги йил байрами арафасида юракларини ҳовучлаб яшайдиган бўлиб қолишган. Нега дейсизми? Ўша кимлардир ўзларининг майда манфаатларини ўйлаб, четдан олиб келаётган пақилдоқлар туфайли. Қон босими, асаб ёки юрак ўйноғи дардига учраган беморларни қўя турайлик. Ҳатто соппа-соғ одам ҳам унинг кутилмаган овозидан ўзидан кетиб қолиши ҳеч гап эмас.

БИРИНЧИ ВОҚЕА

Эл қатори кўпқаватли уйлардан бирида турамиз. Биз ҳам ҳар янги йил арафаси ҳафта ўн кун пақилдоқларнинг овозидан қулоқларимизни бекитиб яшаймиз. Минг қулоғингни бекитганинг билан пақилдоқнинг қарсиллаган овози барибир безовта қилаверади. 2002 йилни кутиб олиш тараддудида юрган кунларимиз. Кечки пайт ишдан қайтаётиб, икки қўшнининг ёқа бўғишиб турганини кўриб қолдим. Асл воқеадан хабарим бўлмаса-да, уларни ўртасига тушдим. Уларнинг биринчиси, қачон қарама, “Мерс”ининг магнитафонини варанглатиб қўйиб юрадиган қўнғизмўйловли олифта қўшнимиз. Ўзининг гапига қараганда, “безнесмен”. Иккинчиси, ҳамиша одмигина кийинадиган, даврада ўтирса ҳам бор-йўқлиги сезилмайдиган камтарингина болалар шифокори. Хуллас, эпини қилиб уларни “тинчитган” бўлдим. “Безнесмен”га гапириш бефойдалиги учун ҳам, шифокорни қойиган бўлдим:

— Кап-катта одамлар болаларни олдида ёқа бўғишгани уялмайсизларми?..

Мен сўзимни тугатмасимдан унинг ҳасратидан чанг чиқди:

— Ўзингиз кўрмайсизми, ака, бир ҳафтадан бери кечаю кундуз тинчлик йўқ. Пақиллатишгани пақиллатишган. Уйларига чиқдим. Бир эмас, бир неча марта ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилдим. Барибир фойдаси йўқ.

Шифокорнинг ҳам сўзи чала қолди. Нарида сегаретасини чайнаб (ҳа, ҳа, чекиб эмас, айнан чайнаб) турган “безнесмен” қўшни яна ўшқира кетди:

— Ҳой, менга қара? Нима, сени менга пул санашган жойинг борми? Олсам, болаларимга олиб берганман. Ўз пулимга. Нега энди сен хўжайинлик қилар экансан? Қолаверса, болаларим ўз пақилдоқларини хохлаган жойларида пақиллатишади. Бу уйнинг йўлаги бир сенга қарашли эмас. Менга ақл ўргатгандан кўра, тинчгина уйингда ўтир. Худога шукр, болаларимни сенсиз ҳам тарбиялай оламан. Насиҳатингни бориб, уйдаги хотинингга қил!..

“Безнесмен” қўшнимизга ҳеч ким гап уқтира олмади. Шовқин овозига уйларидан чиққан бир-икки кекса кишини ҳам жеркиб ташлади. Охирида “ёмонга худо бас келсин”, дейишди, шекилли, ҳамма уй-йўлига тарқалиб кетди. У эса уялиш, жанжалга сабаб бўлган болаларини тартибга чақириш у ёқда турсин, икки ўғлини икки ёнига олиб тантанавор рухда пақиллатишни давом эттираверди. Шунда қадимги файласуфларимиздан бири айтган “Уялмасанг, билганингни қил”, деган сўзлар бежизга асрдан-асрга кўчиб юрмаган экан, деган фикр хаёлимдан ўтди. Ҳойнаҳой оғайнилардан бири бўлса керак, деган ўйда эшикни очсам, кўзларида ёш билан бегона жувон турибди. Унинг узуқ-юлуқ гапларидан телефон кераклигини тушундим. Киришга изн бериб, унга халақит бермаслик мақсадида кўчага чиқдим. Яна худди ўтган йилдагидек қўшни уйнинг олдида одам тўдалашиб турган экан. Бир кўнгил яна одатдаги жанжалларнинг бири бўлса керак, деб ўйлаб изимга қайтмоқчи бўлдим, лекин барибир қизиқиш устунлик қилиб, уларга яқин бордим.

Ўртада шифокор қўшнимиз тўққиз-ўн ёшдаги боланинг боши аралаш кўзидан оқаётган қонни тўхтатишга ҳаракат қилаётган экан. Бир қарашда тушундимки, бу ўша, қўлбола пақилдоқнинг иши... Яна қай бир бола ногирон бўлиб қолади, деган фикр хаёлимни чақмоқдек тилиб ўтди. Не кўз билан кўрайки, шифокорнинг ёнида “безнесмен” қўшнимиз унга илтижоли қараб турибди... Қўшниларнинг гапига қараганда, пақилдоқдан жароҳат олган бола унинг кенжа ўғли экан. Отаси унга бу гал ўша уйинг куйгур пақилдоқнинг янги чиққанидан олиб келиб берибди. Бола барибир болада, пақилдоқни ёқишга ёқиб-ю, узоқроққа отишга улгурмай қолибди. Боланинг қўлида портлаган пақилдоқ унинг боши ва кўзига жароҳат етказибди... Боласининг кўзи бошидаги қонларни артиб боғлаётган шифокорга отаси айтаётган сўзлар ҳали-ҳануз қулоғим остида жаранглайди:

— Дўхтир, сиздан илтимос қиламан! Боламни қутқаринг! У ногирон бўлиб қолмасин!

Бу орада “Тез ёрдам” машинаси етиб келди. Болани машинага олиб чиқишаётганда телефон сўраб кирган жувон унинг онаси эканлигини билдим. Ота ҳам “Тез ёрдам” шифокорлари ёнига ўтирди. Улар жўнаб кетишди-ю, қўшнининг ўтган йилги гаплари ёдимга тушди.

— Ҳой, менга қара? Нима, сен менга пул санашганмисан? Олсам, ўз болаларимга олиб берганман. Ўз пулимга... Насиҳатингни бориб, уйдаги хотинингга қил!..

УЧИНЧИ ВОҚЕА

Орадан анча ўтиб ота-болани кўчада кўриб қолдим. Боланинг кўзида қора кўзойнак. Чап юзи тиришиб қолган... Ота эса ерга қараганча хомуш одимлайди. Уларга қараб туриб, ачиниб кетдим. Чунки одимлашлариданоқ унинг ўз фарзанди олдидаги гуноҳкорлик ҳисси қийнаётганини сезиш мумкин эди. Бир кун келиб улғайган бола ҳам кўзи ва юзидаги нуқсонлар учун отасига таъна қилишга ҳақли.

Афсуски, бойвачча отанинг “Мерс”и-ю, бойликлари боланинг тенгдошлари ўртасида ўксиниб тўккан бир томчи ёшига арзимайди...

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Яқинда хизмат юзасидан пойтахтнинг Ҳамза туманидаги 206-сонли ўрта мактабда бўлган эдим. Ота-оналар ва ўқитувчилар биргаликда айни шу мавзуда йиғилиш ўтказишаётган экан. Мен ҳам қатнашдим. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Мана шу ўринда табиий бир савол туғилади: хўш, қонун йўли билан таъқиқланган бу пақилдоқлар болаларимизнинг қўлида қаердан пайдо бўлиб қолаяпти? Улар ўзимизда ишлаб чиқарилмайди. Мен кўчада бундай пақилдоқларнинг бир нечтасини олиб ёрлиқларига қараб кўрдим. Уларнинг ёрлиқларида хорижий белгилар бор. Демак, хулоса қилишимиз мумкинки, улар юртимизга четдан кириб келаяпти. Аслида гап улар қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганида эмас, балки қай йўл билан мамлакатимиз ҳудудига кириб келаётганида? Ахир, бу пақилдоқларни чўнтакка яшириб ёки қопларда елкалаб олиб ўтиб бўлмайди-ку?!...

Бу таёқнинг биринчи учи. Энди таёқнинг иккинчи учини қараб кўрайлик. Хўп, ана ўша пақилдоқлар ёки пақилдоқчи “тадбиркорлар” божхоначиларимизни кўзларини шамғалат қилиб юртимизга кириб келди ҳам, дейлик. Хўш, энди улар ўйинқароқ болаларимизнинг қўлида қандай пайдо бўлиб қолаяпти? Тўрт сўм фойда илинжида ўз жонларини хатарга қўйиб, ватанимиз сарҳадларидан таъқиқланган маҳсулотларни олиб кираётган “тадбиркор” “амаки” ва “хола”лар уларни текинга тарқатишмайди, балки мўмай фойда илинжида ана шундай ноқонуний ишга қўл уришади. Агар қонун қўлига тушиб қолса, ҳоллари не кечишини ҳам яхши билишади. Шунинг учун ҳам улар бир сўм сарфлаб, олиб келган маҳсулотларини ўн сўмга пуллашга уринишади. Афсуски, улар сиз-у бизнинг айбимиз билан ўзларининг ниятларига етишаяпти ҳам.

Шу ўринда сиз-у бизнинг айбимиз нима, деган савол туғилиши мумкин. Келинг, шу саволга ҳам жавоб бериб ўтайлик. Биз ҳар йили янги йил олдидан йиғилиш ўтказиб, бугунгидек муҳокама қиладиган пақилдоқлар қаерда сотилади? Тўппа-тўғри, бозорларда. Лекин негадир уни бозор мутасаддилари кўрмайди ёки кўриб кўрмаганликка олади. Агар бирор-бир деҳқон бозорга келиб бир қоп пиёзини паттасиз сотиб кўрсин-чи, дарҳол танобини тортиб қўйишади. Пақилдоқчиларни эса негадир “кўришмайди”.

Энди нега ўзимиз айбдор эканлигимизга келсак, дейлик, тадбиркор ниқобидаги ноинсофлар кўринмас қалпоқчалари ёрдамида ноқонуний маҳсулотларини чегарадан ўтказиб, бозорларга олиб чиқди ҳам, дейлик. Хўш, ўша пақилдоқларни ким сотиб олаяпти? Албатта, болаларимиз ёки биз, катталар. Агар сотиб олмаганимизда ҳам, бирор-бир сотиб олаётган ёки сотаётган одамга қаршилик қилмаймиз. Уларга бу нотўғри эканлигини тушунтирмаймиз. Бунинг менга нима алоқаси бор, деб қўл силтаб қўяверамиз. Айтмоқчи бўлганим, сиз-у бизнинг беэътиборлигимиз, лоқайдлигимиз ҳам уларнинг тегирмонига сув қуймаяптими?!

Тўғриси, ўқитувчи опанинг гаплари мени ҳам ўйлантириб қўйди. Ҳар йили янги йилга саноқли кунлар қолганда ёки янги йил ўтиб бўлгандан кейин бу мавзуда барча оммавий ахборот воситаларида ёзилади. Лекин минг афсуски, бу пайтда касаллик ўз иситмасини ошкор қилиб бўлган бўлади. Ахир, ота-боболаримиз “касални даволагандан кўра, уни олдини олган маъқул”, деган пурмаъно сўзларни бежизга айтишмаган. Демак, биз ҳам яра маддаламасдан уни даволашга киришишимиз керак. Сўзимиз аввалида айтиб ўтганимиздек, янги 2004 йил ҳам остонада турибди. Яна роппа-роса бир ойдан кейин янги йилни кутиб оламиз. Ҳозирданоқ янги йил яқинлашаётганидан дарак бериб, пақилдоқлар қарсиллай бошлади. Биз эса жиммиз...

Ислом ҲАМРО, «Инсон ва қонун» мухбири

Газетанинг навбатдаги сони 16 декабр, сешанба куни чиқади.

Mohiyat

ҲАЁТНИНГ ИККИ ҚУТБИ

I. КЎНГИЛСИЗ ҲОДИСА

Баъзан ҳаёт тасодифларга тўла деймиз-да, кўнгилсиз ҳодисаларни шунга йўйиб юборамиз. Бироқ кўпинча ана шундай тасодифий ҳодисаларга одамнинг ўзи сабабчи бўлишини ҳар доим ҳам ўйлаб кўравермаймиз. Масалан, автоулов воситалари орқали содир этиладиган тасодифий ҳодисалар бошқарувчининг озгина эътиборсизлиги билан рўй беради. Ҳайдовчи ҳаракатланиш чоғида хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, автоуловни тўхтатиши ёхуд тезликни кескин камайтириши зарур. Ёки бундай пайтда тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўрмоғи керак. Акс ҳолда...

Темур отаси Шамил аканинг “Тико” русумли енгил автомашинасини Пайшанба кўрғонидан Каттақўрғон шаҳри томонга бошқариб келаётган эди. Шу пайт велосипедда йўлни кесиб ўтаётган вояга етмаган Санжар Тўхтаев ҳамда велосипеднинг орқа ўриндиғида тик ҳолда келаётган Азизбек Авазовни уриб юборади. Йўл автоулов кўнгилсиз ҳодисаси туфайли ўн тўрт ёшли С.Тўхтаевга ўртача оғирликда, ўн уч ёшли А.Авазовга эса ҳаёти учун хавфли бўлган тан жароҳати етказилади. Темур Қурбонов ушбу хатти-ҳаракати билан Жиноят Кодексининг 266-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этди.

Жабрланувчилар О.Авазов ва Х.Тўхтаевалар ихтиёрий равишда судга ариза билан мурожаат қилишди. Судланувчи томонидан етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиғича қоплангани, фарзандларининг соғлиғи тикланган, ўртада келишмовчилик йўқ бўлиб ярашиб кетишган экан. Жабрланувчилар судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олиб, ишни тугатишни сўрашган. Судланувчи Т.Қурбонов ҳам қилмишидан пушаймон. У жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплаган, қилмиши оқибатларини тушуниб етган.

Суд Жиноят Кодексининг 66-1-моддасида ҳолатларни ҳамда Олий суд пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги **“Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”**ги 27-сонли қарорига асосланиб, судланувчи Т.Қурбоновга нисбатан жиноят ишини тугатиш ҳақида ажрим қилди.

II. ҚОЗОН ҚОРАСИ КЕТАР...

Халқимизда «қозон қораси кетар, юз қораси кетмас», деган нақл бор. Ана шу нақлни ўйлаганда, Равшан Қодировнинг қилмишлари ёдга тушади. Хўш, Равшан Қодиров ким ўзи?

Буёғини сўрасангиз, у ҳам ўттиз ёшга кириб улгургани йўқ, уйланган. Лекин бунга қарамай у Каттақўрғон шаҳрида ўзига ёмон от ортириб олган. Шу пайтга қадар у жиноят ишлари бўйича судлар томонидан уч марта турли муддатга жиноий жавобгарликка тортилди.

Бироқ у ўзининг жиноий қилмиши, берилган жазолардан тўғри хулоса чиқариб ололмади. Ҳар сафар озодликка чиққач, орадан кўп ўтмай яна жиноятга қўл урди.

У З.Раҳмонов номидаги кўчанинг 15-умумий ҳовлисида яшовчи қўшниси З. Тўқсоновнинг уйига тун ярмидан ошганда, қулфни бузиб киради ва 173 минг 600 сўмлик мол-мулкни ўғирлаб кетади.

Буни қарангки, орадан бир кун ўтиб, у яна ўғирлик жинояти содир этади. Кундуз куни шу уйда ижарада яшовчи фуқаро Д.Хушбоқовнинг ўқишга кетганидан фойдаланиб, эшик қулфини бузади ва Д.Хушбоқовга тегишли мулкни ўмаради.

Жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар суди Т.Қодировга бу гал олти йилга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

III. МУҚОЯСА

Ҳаётда инсон турли хил воқеа-ҳодисаларни бошидан кечиради. Кимдир билиб-билмай жиноятга ҳам қўл уриши мумкин.

Бироқ ҳамма гап ана шу қилмишдан ким қандай хулоса чиқаришга боғлиқ. Нега деганда, айрим кимсалар биргина қилмиш учун бир умр пушаймон бўлади. Аммо Равшанга ўхшаган кимсалар эса қалтис қадамининг оқибати нима билан тугашини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Жиноят устига жиноят содир этаверади.

Мустақиллик туфайли мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан тўғри хулосага келмаган бундай кимсаларга эса жазо муқаррар.

Саҳобиддин АШУРОВ, ҳуқуқшунос

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-918. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50